



Кўплаб Япония Олий ўкув юртлари тобора ўсиб бораётган мусулмон талабалар жамоасининг талабларини кондириш максадида ўз ошхоналарида халол таомномалар жорий этишни бошламокда. “Бу янгиликни киритилиши жуда фойдали бўлди, илгари мен тушликни ўзим билан олиб келишга мажбур бўлар эдим”, - деди халол товукдан тайёrlанган таом билан тушлик килаётган 21 ёшдаги Малайзиялик талаба маҳаллий газетага берган интервьюсида.

Яманаши университети кафетериясида якин вакт ичидаги умумий сони 10 хил турдаги “халол” белгиси кўйилган таом ва газаклар пайдо бўлди. Бу Университетда 180 нафар чет эллик талабалар таълим олади. Бундан 50 нафари Индонезия, Малайзия, Бангладеш ва бошка мамлакатлардан келган мусулмон талабалар бўлиб, Университет ошхонасида халол таомномаларнинг йўклиги улар учун нокулайликлар тугдираётган эди. “Мамлакатлар ва диний жамоалар кандай маҳсулотлардан таомлар тайёrlаш мумкинлиги хакида турли тушунчаларга эга”, - дейди университет кафетерияси менеджери Тетсуя Танахаши.

Яманаши Университети – NFUCA Университетлар Федерацияси маълумоти бўйича “халол” таомномаларни киритган 19 университетнинг бири хисобланади.

Эътиборга олиш лозимки, биринчи бўлиб талабаларга “халол” тушникларни Токио университети 2010 йилдаёк таклиф килган эди.

Бундан ташкари Университетлар Ширкатларининг Токио Хизмат Бирлашмаси Канто худуди ўкув юртлари учун “халол” товук, мол гўштларини сотиб олишни бошлади. “Япония хукумати 2020 йилда мамлакат ўкув юртларидағи чет эллик талабалар сонини икки баробарга оширишни мўлжалламокда. Ошхоналарда «халол» таомномаларнинг пайдо бўлиши эса мусулмон мамлакатларидан талабаларни жалб килишниниг йўлларидан биридир”, - дея хабар беради Муслимэко.